

Майк Тайсон ва Холид Умра ибодатини адо этишди



15:09 / 17.12.2022 1637

Профессионал бокс афсонаси Майк Тайсон ҳамда америкалик таниқли реперт DJ Холид Умра зиёратини адо этаётганлари ҳақида ўзларининг instagram саҳифаларида қисқача маълумот беришди.

«Маккага қадам қўйишим билан йиғлай бошладим. Кўзларимдан қувонч ёшлари оқди. Маккада намоз ўқиш ва Аллоҳга шукрона айтишни ният қилганман. Ибодатларим давомида дунёдаги барчага севги, тинчлик, қувонч, соғлиқ тилаб, дуолар қилдим», деб ёзади Холид.

Бундан ташқари, DJ Холид instagram саҳифасида Исломни қабул қилган Майк Тайсон 1992 йилда ҳаж зиёратида бўлганини маълум қилган.

Маълумот учун, Майк Тайсон фаолияти давомида 58 та жангда иштирок этиб, 50 тасида ғалаба қозонган. У профессионал боксдаги фаолиятини 2006 йилда якунлаган.